



## ТЕХНИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАЛАРИДА ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ МУАММОЛИ- МОДУЛЛИ ТЕХНОЛОГИЯ ОРҚАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ.

**Хожиев Хайрулла Ғуломқодирович**

*Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети Тошкент филиали катта ўқитувчиси*


**Аннотация:** Ушбу мақолада техника йўналишдаги олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этишда муаммоли модулли технологиялардан фойдаланиш бўйича маълумотлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** муаммоли модулли технология, танқидий фикрлаш, ўқув жараёнини лойиҳалаш.

**Аннотации:** В статье представлена информация об использовании проблемно-модульных технологий в организации учебного процесса в технических вузах.

**Ключевые слова:** проблемно-модульная технология, критическое мышление, проектирование учебного процесса.

Ўзбекистонда Олий таълим тизимида Таълим жараёнига кредит-модул тизимини жорий этилиши туфайли юртимиздаги кўплаб олий таълим муассасаларининг яқин йиллар ичида нуфузи топ 1000 талик рейтинг рўйхатларига кириши имкони пайдо бўлмоқда. Бунинг учун олий таълим муассасалари олдида кўпгина вазифалар қўйилмоқда. Бунда нуфузли хорижий ОТМлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, илмий салоҳиятни ошириш, таълим сифатини ошириш билан биргаликда турли соҳалар учун замон талабига жавоб берадиган малакали кадрлар тайёрлаш лозим бўлади. Кредит-модул тизимидаги асосий жиҳатлардан бири бу- талабанинг мустақил таълим олишига қаратилганлигидир. Бундай жиҳатнинг авзаллиги шундан иборатки, бунда талаба билимларни асосан мустақил равишда эгаллайди. Бунда аудитория машғулотлари пайтида таълим берувчи фақатгина ўтилиши керак бўлган материалларнинг асоси ҳақида тушинчалар беради, мақсад ва вазифаларни белгилаб беради ҳамда талабаларга тегишли йўналишлар беради. Талабалар эса аудиториядар ташқари мустақил таълим орқали берилган топшириқларни бажарадилар. Талабалар ўрганиш жараёнида турли манъбалар (китоб, интернет тармоғи, йўл-йўриқ хариталари) фойдаланадилар, ўқув фаолиятининг бир қисмини эса илмий-текшириш лабораториялари, кампуслар, кутубхоналар ҳамда тегишли корхона ва ташкилотларда ўтказадилар. Бунда энг асосий масала - кўпроқ талабаларнинг мустақил ишлаши, берилган топшириққа индивидуал ёндошиши ҳамда ўзинг идрок этиши орқали фанларни максимал ўзлаштириши имконини яратишдир. Таълимий мақсадга тўлиқ эришиш учун жараённи тўғри ташкил этиш, талабаларда ўрганишга нисбатан мотивация ҳосил






қилиш, уларни танқидий фикрлашга ўргатиш лозим бўлади. Олий таълим тизимида юқоридаги вазифаларни амалга оширишда энг мақбул таълим технологиялардан бири бу-муаммоли-модулли таълим технологиясидир. Рус олими М.Чошанов ушбу технология ҳақида қуйидагиларни баён қилади- “Муаммоли-модул технологияси орқали ўқитишда асосий эътиборни биз талабаларнинг танқидий фикрлаш орқали масалаларни ҳал қилишга ўргатилишига қаратишимиз лозим бўлади”[2]. Яна бир таниқли педогог олим А. Матюшкин фикрига кўра муаммоли таълим технологияси таълим олувчиларнинг фиклаш қобилиятини янада ривожлантиради[2]. Муаммоли таълим деганда ўқув материални ўқувчилар онгига илмий изланишга ўхшаш вазифалари ва муаммоларини вужудга келтирадиган йўсинда ўрганиш тушунилади. Ўқувчи (талаба)нинг фикрлаш фаолиятида муаммоли вазиятлар вужудга келади ва улар талаба (ўқувчи)ни объектив равишда изланишга ва мантиқдн туғри илмий хулосалар чиқаришни ўрганишга даъват этади[6]. Педогогик вазифаларни бажаришда ва таълимий мақсадларга эришишда замонавий педогогик технологияларнинг ўрни ниҳоятда каттадир. Бизга маълумки, педогогикада шахсни камол топиш имкониятларидан бири бу муаммоли таълим технологиясидир. Муаммоли таълим одатда ўқитувчи раҳбарлигида муаммоли вазиятларни яратиш ва уларни ҳал қилиш учун талабаларнинг фаол мустақил фаолиятини ўз ичига олган ўқув машғулотларини ташкил этиш деб тушунилади[1].

Муаммоли-модулли таълим технологиясининг асосий хусусияти бу – мосланувчанликдир. Педогогик технологияларнинг ҳозирги ва яқин келажакдаги самарадорлиги уларнинг мосланувчанлигига –ўзгарувчан илмий, техник ва ижтимоий-иқтисодий шароитларга тез жавоб бериш ва мобил мослашиш қобилиятига боғлиқ бўлади[2].

Олий ўқув юртларида замонавий таълим технологияси-бу муаммоли ўқитиш, тадқиқ этиб муаммони ҳал этишдир.Таълим технологияси эса, ривожланаётган таълим жараёнини, муаммоли ўқитиш вазифасини фаол ўрганиш рағбатлантириш, тадқиқот ишларини олиб бориш ва тафаккур этиш усулини тарбиялашдан иборатдир. Муаммоли ўқитиш жараёни шахснинг ижодий фаолиятини тарбиялаш мақсадларига мос тарзда олий ўқув юртлари иш амалиётида муаммоли ўқитиш билан биргаликда иллюстрацияли тушинтириш технологияси, ахборот-маълумот технологияси ва дастурлашган таълим технологияси кабилардан кенг фойдаланишни тақазо этади[3] 72-бет.

Муаммоли таълим технологиялари талаба фаолиятини фаоллаштириш ва жадаллаштиришга асосланган. Ушбу технологияларнинг асосий ғояси – шахсни фикрлашга, муаммо моҳиятини тушуниш, муаммоли вазиятни ҳал қилишга ундаш, унда муаммони ҳис қила (кўра) олиш, ечимни топиш йўлида тадқиқот олиб бориш ва муаммони ҳал қилиш қобилиятига эга бўлишини таъминлаш саналади[4] 113-бет.






Муаммоли-модулли технология қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- Муаммоли таълим фанга узвий боғланган бўлиши ва муаммони ҳал этиш орқали таълим олувчи мавзуларни ўзлаштириши лозим бўлади;
- Муаммо ва саволлар тайёрлашда таълим берувчи тўғри ечимга зид масалалар ҳам пайдо бўлишига эътибор қаратиши лозим бўлади;
- Муаммоли таълимда уни ечимини белгилаб берадиган йўл-йўриқ бўлиши керак;
- Берилаётган муаммоли топшириқларни талабалар мустақил бажара оладиган даражада бўлиши, лекин жуда ҳам онсон бўлмаслиги лозим;
- Ечими ҳал қилиниши керак бўладиган вазифалар баёни таълим олувчиларга жўн ва тушунрли бўлиши керак;
- Муаммоли таълимда вазифаларни белгилашда уларнинг реал ҳаётий воқеа ва ҳодисаларга асосланиб тайёрланишига ҳамда бу жиҳат талабаларни фаол ҳаракатга ундаши лозим бўлади.

Муаммоли-модулли таълим технологиясининг ўзига яраша ижобий ва салбий жиҳатлари мавжуд. Агар бу технологияни етарлича шарт-шароит бўлган жойларда қўлласак максимал натижаларга эришишимиз мумкин, агар муаммони ечимини топиш учун кераклича шарт шароит мавжуд бўлмаса бу таълим технологиянинг самарадорлиги паст бўлади. Масалан, муҳандислик йўналишлари бўйича таълим олаётган талабаларда бирор бир қурилмадаги носозликни бартараф этиш бўйича муаммоли вазият қўйилган дейлик. Агар талабалар бевосита ана шу қурилма орқали масала ечимини жонли тарзда аниқласа, натижадорлик фоизи юқори бўлади. Агар таълим олувчи қурилманинг ўзини кўрмай масала ечимини назарий аниқлайдиган бўлса, натижадорлик анча паст бўлади. Шунинг учун ҳам бундай ҳолларда тадқиқот, ўрганиш ишлари ишлаб чиқариш жараёни билан боғланган ҳолда олиб борилса, биз кўзлаган мақсадга тўлақонли эришимиз мумкин бўлади.

Муаммоли-модулли таълим технологияси орқали дарс машғулотлари қуйида келтирилган блоклар орқали амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:





“Кириш” қисмида таълим берувчи тегишли гуруҳдан мавзу бўйича бошланғич билимларни аниқлаштириб олувчи тест ёки бошқа назорат турлари ўтказилади. Бундан мақсад ўтиладиган мавзу бўйича талабаларнинг бошланғич билим даржаларини аниқлаб олиш. “Долзарблаштириш” блоки орқали таълим берувчи қисқа муддат ичида мавзунинг моҳиятини очиб беради, унинг долзарблилигини оширади.

“Ахборот бериш” блокада эса таълим берувчи мавзуга доир асосий умумлашган, зичлаштирилган маълумотларни таълим олувчиларга етказилади.

Энг асосий блок бу - “Муаммони белгилаш” блоки ҳисобланиб, бу ерда таълим берувчи ечимини топиш керак бўлган муаммони талабалар диққатига ҳавола қилади.

“Изланиш” бу босқичда таълим олувчилар тегишли йўналиш бўйича берилган вазифани ечимини топишга қаратилган фаолият билан шуғулланадилар. Бунда улар турли манъбалар (китоб, интернет, қўлланмалар) орқали муаммони назарий ечимини топишга ҳаракат қиладилар.

“Қўлаш” блокада талабалар ўрганилган маълумотлар асосида муаммони ечимини топиш учун амалий фаолият билан шуғулланадилар. Бунда улар илмий-текшириш лабораториялари, ишлаб чиқариш корхоналари ва муаммо мавзусига доир фаолият билан шуғулланадиган муассасалар ўзлаштирилган назарияни амалда синаб кўрадилар.

“Умумлаштириш” блокада талабалар назарий билим ва амалий кўникмаларни умумлаштирадилар, ягона ҳулосаларга келадилар ва булар ичидан энг асосийларини ажратиб оладилар.

“Асослаш” блокада талабалар муаммони ечими бўйича ўз ҳулосаларини илмий томондан асослаб берадилар. Бунда талабалар назарий билим билан амалий кўникма орасидаги боғлиқликни тушинтириб берадилар.

“Чиқиш” –бу блокда талабаларнинг модулни қай даражада ўзлаштира олганликларини аниқлаш учун таълим берувчи томонидан назорат тури амалга оширилди.

Ушбу таълим технологиясини мен ўзим фаолият юритаётган институтда “Зооинженерия” таълим йўналиши талабалари учун “Чорвачиликни механизациялаштириш ва автоматлаштириш” дарс машғулотларини ташкил этишда қўллаб кўрдим. Бунда ушбу йўналишнинг 1-босқич 21-41-гуруҳи тажриба гуруҳи, 21-42-гуруҳи эса назорат гуруҳи сифатида танлаб олинди. Фан бўйича модул сифатида “Чорвачилик маҳсулотларини етиштириш жараёнлари ва энергетика воситалари” мавзуси ажратиб олинди. Ушбу мавзу бўйича жами юклама 12 соатни ташкил қилиб, шундан 2 соати маъруза, 4 соати амалий машғулот ва 6 соати эса мустақил таълимни ташкил этади. Бу модул бўйича талабалар чорвачиликдаги ишлаб чиқариш жараёнлари, чорвачиликда ишлатиладиган энергия турлари ва энергетик воситалар, ички ёнув двигателлари, двигателларнинг тузилиши,





синфланиши ва ишлаши, трактор ва автомобилларнинг синфланиши ва умумий тузилиши, чорвачилик фермаларида юклар ва уларни ташишда қўлланиладиган транспорт воситалари ҳақида маълумотларга эга бўлишлари лозим.

Модул бўйича “Кириш” босқичида ҳар иккала гуруҳ талабаларига “Ақлий хужум” технологияси орқали юқоридаги мавзулар бўйича уларнинг дастлабки билимлари аниқланиб олинди. “Долзарблаштириш” бўлими орқали ўтиладиган модул мавзуси моҳияти очиб берилади. Бунда асосий тушинчалар талабаларга етказиб берилди.

“Ахборот бериш” босқичида талабаларга модулни тўлиқ қамраб олган зичлаштирилган маълумотлар талабаларга етказиб берилди.

Модул бўйича “Муаммони белгилаш” босқичида талабаларга бир қатор муаммоли саволлар тақдим этилди. Булар қуйидагилардан иборат:

1. Мезенсева О.И. Современные педагогические технологии-Новосибирск, 2018.
2. Чошанов М.А. Гибкая технология проблемно-модульного обучения-М: “Народное образования”№2, 1996.
3. Омонов Ҳ.Т., Хўжаев Н.Ҳ., Мадярова С.А., Эшчонов Э.У. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат.-Тошкент 2012.
4. Муслимов Н., Усмонбоева М., Сайфуров Д., Тўраев А. Инновацион таълим технологиялари. Низомий номидаги ТДПУ ҳузуридаги ПКҚТ МО тармоқ маркази Тошкент 2015.
5. Матюшкин А.М. Проблемные ситуации мышления и обучении-Москва “Директ-медиа” 2014.
6. З.К.Исмоилова , Р.С.Мусаев, А.А.Шоюсупова. Ўқитишнинг замонавий технологиялари. Тошкент 2008.

